

ТАБИИЙ ГАЗНИ УЛГУРЖИ
ИСТЕЪМОЛЧИЛАРГА
ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ

ШАРТНОМАСИ

№ 02/03-0103

Гулистон - 2022 йил

ТАБИИЙ ГАЗНИ УЛУГЖИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРГА
ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА КАБУЛ КИЛИШ ШАРТНОМАСИ

05.01.2022 йил

04673-0103

-сон

Гулистон шаҳар

Низом ва ишоннома асосида фаолият юритувчи "Худудгаз Сирдарё" газ таъминоти филиали(будан кейин "Таъминотчи" деб аталади), раҳбари Ж.И.Хидиров, бир тарафдан, ҳамда Низом(Устав, Ишоннома) асосида фаолият юритувчи Шурич Джурхана (Истеъмолчи номи) К.И.И.И.

(будан кейин "Истеъмолчи" деб аталади), раҳбари А. Рауфсанов иккинчи тарафдан, қўйлағилар ҳақида мазкур шартномани тўқдилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Таъминотчи ўз зиммасига газ тармослари орқали Истеъмолчининг келишилган буюртмаомаси бўйича табиий газ (кейинги ўринларда газ деб аталади) етказиб бериш мажбуриятини олади, Истеъмолчи эса ўз зиммасига ушбу шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ҳажмда газни қабул қилиш мажбуриятини олади ҳамда тўловларни белгиланган нарх бўйича ўз муддатида амалга оширади.

1.2. Таъминотчигазни ушбу шартномага ва газлаштириш лойиҳасига мувофиқ, газдан фойдаланиш учун стандартлаштирилган ва сертифициатга эга газ қурилмалари, шунингдек, электрон газни ҳисоблаш приборлари (кейинги ўринларда ҳисоблаш приборлари деб аталади) мавжуд бўлганда етказиб беради.

1.3. Истеъмолчи Таъминотчига тасдиқланган меъёрларга (Табиий газдан фойдаланиш қоидаларининг 6-бандига) асосан ишлаб чиқариладиган маҳсулотта (ёки кўрсатилаётган хизмат) нисбатан келгуси йилда газга асосланган эҳтиёжни тақдим этади.

Истеъмолчи жорий йилнинг 15 июль кунига қалар келгуси йилда истеъмол қилиниши тахмин қилинаётган газ ҳажми бўйича буюртма беради.

1.4. 2022 йилда Истеъмолчига техник шартларда белгиланган босим бўйича қўйлағи газ ҳажми етказиб берилди:

I чорак	136,363	минг куб.м.	январь	40,000	февраль	50,909	март	45,454
II чорак	—	минг куб.м.	апрель	—	май	—	июнь	—
III чорак	—	минг куб.м.	июль	—	август	—	сентябрь	—
IV чорак	—	минг куб.м.	октябрь	—	ноябрь	—	декабрь	—

1.5. Агар, Истеъмолчи ойлар бўйича бўлинган буюртмаомани тақдим этмаса, Таъминотчи томонидан чорак учун ажратилган табиий газ ҳажми ойлар бўйича бир хил миқдорда тақсимланади.

1.6. Таъминотчи Истеъмолчи буюртмаларини табиий газ ресурсларининг ва газни тақсимлашнинг тасдиқланган балансига мувофиқ ажратилган ҳажмлар доирасида қайта кўриб чиқиши мумкин. Истеъмолчи томонидан навабдани ой

сираси) учун кўрсатилган табиий газ хажмлари ўзгариши бўйича 10 кун олдин газ таъминоти ташкилотига хабар берган тақдирда, бундай ҳолат ортиска олинган газ миқдори деб ҳисобланмайди.

II. ГАЗНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТЛАРИ

2.1. Истеъмолчи томонидан газ тармоқларига улашиш амалдаги табиий газдан фойдаланиш қондаларига мувофиқ амалга оширилади, бунда «Санотгеокоңтехназорат» ДИ руҳсатномасисиз ва «Ўзнефтьгазиспекция» ҳудудий бўлимининг қўллашладиган технологиялар ва асбоб-ускуналарнинг энергия жиҳатидан самарадорлик кўрсаткичларига мувофиқлиги ҳамда ёқилгининг муқобил турларидан фойдаланиш тўғрисида ҳулосасисиз газ сарфловчи ускуналарга табиий газ етказиб бериш тақисқланган.

2.2. Газ ушбу шартномада қайд этилган (1.4-банд) муддатларда ва хажмларда ҳамда ГОСТ 5542-2014(Санот ва коммунал фойдаланиш учун табиий ёнувчи газлар)га мувофиқ тарздаги табиий газни етказиб бериллади.

2.3. Истеъмолчи Таъминотчидан ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларига асосан жорий ой учун газ истеъмолнинг суткалик метёри доирасида газ қабул қилиб олади, шунингдек, ой охирида тузилган газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини имзолайди.

Модем ўрнатган Истеъмолчиларой давомида истеъмол қилган газ хажминини Таъминотчига электрон тарзда юбориши мумкин, ушбу газ хажми ҳаққоний бўлган тақдирда, Таъминотчи уни ҳисоботга қиритади, шуңда Тарафлар Таъминотчи Истеъмолчига ой давомида ҳисоботга қиритилган газ хажминини етказиб берганингни тасдиқлайди.

2.4. Таъминотчи Истеъмолчига 24 соат ичида газ етказиб бериш ва қабул қилиш тартиби ва шартлари ўзгаришлинги тўғрисида барча усуллар орқали Истеъмолчинини хабардор қилиши шарт.

Таъминотчининг авария-диспетчер хизматлари телефон рақамлари:

104, (78)221-12-70, (78)221-12-13, (78)227-06-02, (78)221-12-74

2.5. Таъминотчи Истеъмолчинини газ етказиб бериш қисқартирилишига қадар қаида 24 соат аввал бу ҳақида хабардор қилиши шарт, магистрал газ қувурларида юз берган авария ҳолатлари бундан мустасно, Истеъмолчи хабардор қилингандан кейин газ етказиб бериш дарҳол қисқартириллади ёки тўхтатылади.

2.6. Магистрал ва тақсимловчи газ қувурларининг технологик иш режимлари бузилганда, шунингдек, куз-киш мавсумида иқтимоий соҳа объектларини ва аҳоли истеъмолчиларинини бир маромда табиий газ билан таъминлаш максалда Таъминотчи Истеъмолчинини огоҳлантирган ҳолда газ етказиб беришини чеклаш ёки тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга, Истеъмолчи эса захира ёқилги туридан фойдаланишига ўтади.

2.7. Истеъмолчи Таъминотчи билан газ етказиб бериш-қабул қилиш доирасида теккор маълумотларини мунтазам алмашини таъминлаш учун жавобгарликни ўз зиммасига олади.

2.8. Истеъмолчи захира ёқилги туридан фойдаланишини кўзда тутиши ва уни етарли миқдорда (3 ойдан кам бўлмаган муддатга) шакллантириши шарт.

Истеъмолчи Таъминотчининг асосланган талаби билан табиий газдан фойдаланиш қондаларига мувофиқ захира ёқилгига ўтиши ва газдан фойдаланишини тўхтатиши лозим. Газ етказиб беришининг тўхтатылиши тегишли далолатнома билан расмийлантирилади.

2.9. Истеъмолчи ўзига тегишли бўлган газ тармоқлари ва уларда ўрнатылган ускуналар, ГТН (газ тақсимлаш пункти), газдан фойдаланиш ускуналаридан соз ҳолда фойдаланиш, уларга хизмат кўрсатиш ҳамда саклаш учун жавобгар ҳисобланади.

2.10. Истеъмолчининг қўшимча газдан фойдаланиш ускуналари ўрнатылиши, реконструкция қилиниши ёки таъмирланиши оқибатида газ сарфлаш хажми ўзгаришига олиб қелган ҳолларда, Истеъмолчи Таъминотчидан қўшимча газдан фойдаланиш ускуналарини ўрнатиш ёки реконструкция қилишига техник шартларни олиши шарт, техник шартларнинг берилиши Давлат хизматлари маркази орқали амалга оширилади.

2.11. Таъминотчи табиий газни ўртача суткалик норма доирасида ой мобайнида бир мил миқдорда, истеъмол қилиниши суткалик нормасидан қамайтириш ҳисобига чеклиниш зарурати бўлган ҳолатларда эса — томонлар ўртасида келишилган диспетчерлик жадаллари бўйича етказиб бериши, истеъмолчи эса (машиний истеъмолчилар ва умумий ҳисоб қуввати 100 кВтдан кўп бўлмаган газдан фойдаланиш ускунасида эга оилавий қорхоналардан ташқари) уни бўлиниш чегарасида ўрнатылган табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш прибори орқали олиши шарт.

Газ таъминоти ташкилотларига ГТСнинг алоҳида чикши газ қувурлари (нуқталар) орқали етказиб берилган табиий газ хажмлари истеъмолчилар билан бўлиниш чегарасида ўрнатылган табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларининг умумий йиғиндиси бўйича аниқланади, ГТСнинг алоҳида чикши газ қувурлар (нуқталар) ва истеъмолчилар билан бўлиниши чегарасида ўрнатылган табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборларига қадар ўрнатылган бошқа табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари, газ таъминоти ташкилотлари билан ўзаро ҳисоб-китоб қилиш учун яроққиз деб ҳисобланади.

Республика ҳудуди бўйича табиий газни етказиб беришининг ойлик хажмлари «Ўзтрансгаз» АЖ ва «Худудгазтаъминот» АЖ томонидан газ таъини тизимининг ресурсе ва техник имкониятларидан келиб чиккан ҳолда аниқланади.

2.12. Истеъмолчи ёки Таъминотчининг тўлов реқвизитлари ўзгариш ҳолатларда улар зудлик билан бир-бирини бу ҳақида хабардор қилиши шарт.

2.13. Табиий газни казиб олиш, қайта ишлаш, узатиш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш режимининг ягона узлуқсиз технологик жараёнини ҳисобга олиб, Таъминотчининг кўрсатмаларини бажариш Истеъмолчи учун мажбурий ҳисобланади.

III. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗНИ ҲИСОБГА ОЛИШНИНГ ТАШКИЛ ЭТИШИ

3.1. Газни ҳисобга олмастан етказиб беришга йўл қўйилмайди.

3.2. Етказиб берилган газ миқдори газ тармоқлари бўлиниши чегарасида

Ўрнатилган ҳисоблаш приборлари кўрсаткичлари ёки ўлчаш комплекси бўйича аниқладан ҳамда ҳар икки томон имзолайдиган газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномаси билан расмийлаштирилади.

Газ тармоғи бўлиниши чегараси (Истеъмолчи балансида бўлган газ тармоғининг бошланиши ҳисобланиб) Таъминотчи ва Истеъмолчи ўртасидаги, тегишлини бўйича аниқланган газ тармоғи бўлиниши нуктаси ҳисобланади ва унда ҳисоблаш приборлари ўрнатилиши шарт.

3.3. Бирлик миқдори стандарт шартда 1 м^3 газ олинади: ҳарорат 20°C , босим $101,325 \text{ кПа}$ (760 ммHg) (ГОСТ 2939-63 1.1-бандига асосан). Газ ҳажми таъминотчи физик-кимёвий параметрлари (стандарт шартда, азот ва карбонат ангидрид) кийматлари бўйича тузатилади.

Газ миқдори "Ўзстандарт" агентлигининг мезърий-ҳуқуқий ҳужжатлари талабларига мувофиқ газ миқдорини стандарт шартдаги автоматик равишда келтирадиган газни ҳисоблаш приборлари ёрдамида аниқланади.

3.4. Таъминотчининг ёки Истеъмолчининг балансида бўлган газ ўлчаш прибори ва ёки ўлчов комплекси унинг мулк ҳисобланади.

3.5. Истеъмолчи томондан газ ўлчаш прибори ва ёки ўлчов комплекси танлови тегишли қондалар ва мезърларга мувофиқ амалга оширилади ва Таъминотчи билан келишилади. Истеъмолчи томондан газ ўлчаш прибори ва ёки ўлчов комплекси газ истеъмолчини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизим (ТТХНАТ-АСКУГ) ларига улаштирилади.

3.6. Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплексини ўрнатиш ва ишлатиш амалдаги қондалар ва мезърларга мувофиқ амалга оширилиши керак.

Бунда табиий газ истеъмолчини ҳисобга олиш приборларини таъмирлаш ва давлат қиёсовидан ўтказиш сарф-харажатлари ҳисобга олиш прибори мулкдори томонидан қопланади.

3.7. Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплекси эгаси уни ишлатиш давомида O'z DSt 8.030:2008 "Ёқилги ва энергия. Ҳисобга кўйилган умумий талаблар", O'z DSt 8.031:2008 "Ёқилги ва энергия. Ўлчаш приборлари билан жиҳозлаш ва уларни ишлатиш" давлат стандартлари талабларига, шунингдек ўлчаш приборлари ишлаб чиқарувчининг талабларига риоя қилиши.

3.8. Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплексларининг метрологик ва техник тавсифлари амалдаги мезърлар ва қондаларга мувофиқ бўлиши керак.

3.9. Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплекслари "Ўзстандарт" агентлигининг жорий қиёсов кўригидан ўтказилган сертификат ва ёки метрологик аттестациясига эга бўлиши керак. Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплексларининг қиёсов кўриклари билан метрологик аттестациясидан ўтиш даврини "Ўзстандарт" агентлиги белгилайди.

3.10. Режалаштирилган ишларнинг бир қисми сифатида (қиёсов кўриги/қалнобрлаш, тораёиш мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ ўлчаш приборларини ва ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш ва ўрнатиш техник ва ёки ишлаб чиқариш хўбейжлари асосида келишув бўйича ва иккала томоннинг вақиллари иштирокида амалга оширилади.

3.11. Режалаштирилган ишларнинг бир қисми сифатида (қиёслаш кўриги/қалнобрлаш, тораёиш мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ

ўлчаш приборларини ва ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш ва ўрнатиш техник ва ёки ишлаб чиқариш хўбейжлари асосида келишув бўйича ва иккала томоннинг вақиллари иштирокида амалга оширилади.

3.12. Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплексларини модернизация қилиш, газ ўлчаш приборларини алмаштириш, газни ўлчашнинг бошқа усулларини тавлаш масалалари Таъминотчи билан келишилади.

3.13. Газнинг физик-кимёвий параметрлари (стандарт шартдаги зичлик, азот ва карбонат ангидрид) газ ўлчаш приборининг конфигурациясига кiritиладди.

Газ ўлчаш приборининг эгаси газнинг физик-кимёвий параметрларини ўз вақтида газ ўлчаш приборини конфигурациясига кiritишни таъминлайди. Таъминотчи Истеъмолчига газнинг физик-кимёвий параметрларини ўз вақтида етказиб берилишини таъминлайди.

3.14. Таъминотчи ўзининг тамгаларини газ ўлчаш приборларига ва ёки ўлчаш комплексининг газ ҳажмининг ўлчашга таъсир қиладиган қисмларига Истеъмолчи иштирокида ўрнатади ва тегишли далолатнома тузилади. Ўрнатилган тамгаларни бутлилга Истеъмолчи жавобгардир.

3.15. Таъминотчи Истеъмолчининг газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплекслари ва уларнинг таркибий қисмларининг тўғри ишлашини кузатиш ҳуқуқига эга. Шу билан бирга, Истеъмолчи Ўзбекистон Республикаси қонуқчилигига мувофиқ Таъминотчи вақилларининг ўлчаш приборлари ва ёки ўлчаш комплексларига тўсиқсиз киришини таъминлайди.

3.16. O'z DSt 8.586.(1-5)-2005 бўйича ўлчов комплекси ва ўлчаш приборлари ишида гайритабиий ҳолатлар юзга келган тақдирда O'z DSt 8.064:2017 бўйича газнинг миқдори ҳисобланади (корректировка). Ўлчаш қурилмаси ва ёки ўлчаш комплекси фаолиятига руҳсатсиз арааланиш ҳолатлари буқилдан мустасно.

3.17. Олинган газ учун ҳисоб-китоб, қуйидаги ҳолларда тамгаланмаган газдан фойдаланиш усқунасининг 24 соат давомида ишлаб туриши ҳисоб-китобидан амалга оширилади:

а) газни ҳисобга олмаган ҳолда газ истеъмолчи – газни ҳисоблаш прибори ва газни сарф қилиш нормаси бўлмаганда, газни ҳисоблаш приборини четлаб ўтган ҳолда истеъмол қилиш (ноқонуний байпас линиялари уланганда) охирига хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган қундан аниқланган қунгача, лекин даъво муқдотидан қўн бўлмаган даврга;

б) ҳисобга олиш приборини улаш тартиби ва схемаси ўзгаририлганда – охирига хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган қундан, лекин даъво муқдотидан қўн бўлмаган даврга;

в) ҳисобга олиш прибори буқилганда (ҳисобга олиш прибори буқилганини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда) – шартноманин 1.4 ва 1.5-бандларини инобатга олган ҳолда бир ҳисоб-китоб давридан қўн бўлмаган вақтга;

г) ҳисобга олиш прибори мавжуд бўлмаганда қиёсов кўригидан ўтказиш учун ечиқилганда – ҳисобга олиш прибори ечиқилган қундан "Ўзстандарт" агентлигидан қиёсовдан ўтказилиб, сертификат олиниб жойига ўрнатилган

қўнғача бўлган вақтга:

д) ҳисобга олиш приборини қиёслов кўригидан ўтказиш ва ёки ўлчов комплексини метрологик аттестациядан ўтказиш муддати тугагандан кейин қўригидан метрологик аттестация ўтказиш муддати тугаган кундан қиёслов кўригидан ёки метрологик аттестация ўтказиш учун ечилаган қўнғача бўлган вақтга;

е) ҳисобга олиш прибори ёки ўлчов комплексининг қисмларига ўрнатилган таъминотнинг бутлиги бузилганда – охириги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб, лекин бир ҳисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вақтга;

ж) ҳисобга олиш приборини ўзбошимча ечиб кўрилганда – охириги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган қўнғача бўлган вақтга;

з) газни тарқатиш тармоқларининг технологик режимини бузадиган газ қувурларида ёки ГТПларида асбоб-ускуналар ўрнатилганда – охириги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган қўнғача бўлган вақтга;

и) газ ҳисоблаш ускунасининг конфигурацияларига ноқонуний тарзда ташқи таъсир кўрсатган ҳолда таъбий газни истеъмол қилиш ҳолатлари аниқланганда – ташқи таъсир кўрсатилган кундан бошлаб (агар аралашув кунини ва фактнинг тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлса), бироқ даъво муддатидан ортиқ бўлмаган муддатга;

к) ҳисобга олиш приборининг хотирасида сақланган архив маълумотларини йўқотиш, газ ўлчашни автоматлаштирилган тизимдан ҳисобот ойда маълумотлар олиш имкони бўлмаганда ёки Таъминотчининг оператив журналларидан олинган маълумотлар бўлмаган тақдирда. (Ҳисоб-китоб учун ТГХНАТ (АСКУТ) тизими жорий қилинган истеъмолчиларда ҳисобот даври учун архив маълумотлари мавжуд бўлмаган ҳолларда истеъмол қилинган таъбий газ ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар ТГХНАТ тизимида қайд этилган маълумотлардан олинади);

л) газ истеъмоли ҳажмлари ҳисобга олиш приборининг руҳсат этилган максимал ўлчов чегарасидан ортикча бўлганда, илмомбаламанган газ жиҳозларидан фойдаланилган газ учун ҳисоб-китоблар охириги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан, хатлов далолатномаси мавжуд бўлмаганда эса – газ таъминоти ташкилоти вакили томонидан охириги марта бориб кўрилган кундан амалга оширилади;

м) таъминотнинг ҳужжатларини расмийлаштирмастан истеъмолчи томонидан қўшимча газ қўрилмаси ўрнатгиш ҳолати аниқланганда (қўшимча газ аякомларини ўрнатиб олиб фойдаланаётганлик факти бўйича асослангирувчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда) – бир ҳисоб-китоб даврига;

н) газ ўлиб кўйилганидан сўнг ўзбошимчалик билан қайта уланганда, ўлиб қўйилган кундан бошлаб то аниқланган кунга қадар.

3.18. Истеъмолчининг ҳисобга олиш прибори газ ҳажмини настьки чегараси остида сарфлаганда, газ ҳажми ҳисобга олиш прибори ва ёки ўлчов комплексининг мейёрий-техник ҳужжатларида кўрсатилган ўлчовининг настьки

чегарасида олинади.

3.19. Таъминотчи томонидан етказиб берилган газ ҳажмининг ишончлилигига таъсир кўрсатувчи ўлчов комплекслари ва ҳисоблаш приборларининг ишлаши бузилган ҳолатлар аниқланганда, Таъминотчи "Устандарт" агентлиги бўлинималарида ўлчов комплекслари ва газни ҳисоблаш приборларини экспертизадан ўтказишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Агар ўлчов комплекслари ва ҳисоблаш приборлари носоз бўлса, экспертизадан ўтказилмади учун тўловлар Истеъмолчи томонидан, соз ҳолатда бўлганда эса – экспертиза ўтказилиши талаб қилган Тараф томонидан амалга оширилади.

3.20. Агар ҳисобга олиш прибори ишдан чиққанда ёки ҳисобга олиш приборидан газ сизиб чиқиб ҳолатлари аниқланган тақдирда Истеъмолчи 24 соат ичида Таъминотчига бу ҳақда хабар бериши шарт. Шунингдек қорхонадаги газ ишлатадиган асбоб-ускуналарини ишлаш графигини тузиши ва ишламайдиган газ асбоб-ускуналарини Таъминотчи билан биргаликда ўчириб таъминотчинини таъминлаши шарт.

3.21. Ҳисобга олиш приборларида газ сизиб чиқиб ҳолати аниқланган тақдирда қайта ҳисоб-китоблар охириги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган қўнғача, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврда амалга оширилади. (О'з DSI 8.586 га кўра газни аниқлаш тизимлари герметик ҳолатда бўлиши керак).

IV. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗ УЧУН ҲИСОБ-КИТОБНИ АМАЛГА ОШИРИШ

4.1. Истеъмолчи маъмур шартнома асосида етказиб берилган газ учун тўловни амалга ошириши шарт.

4.2. Газ учун нархлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалдаги қонунчиликка мувофиқ белгиланади.

4.3. Тарафларнинг келишувига мувофиқ, Истеъмолчи ҳисоб-китоб қилиш даври бошланишидан қамда 5 кун олдин ушбу шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ойлик газ ҳажми қийматининг 30% суммасини Таъминотчининг Ҳисоб рақамига ўтказиб беришга келишдилар.

4.4. Истеъмолчи ҳар ойнинг 10 санасига қадар аввалги ойда истеъмол қилинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга ошириши керак.

4.5. Стратегик ва икътимоий аҳамиятта эга Истеъмолчилар ҳисоб-китоб қилиш охи тугатилган кейин 30 кун мобайнида олинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга оширилади.

4.6. Таъбий газдан фойдаланишда Истеъмолчининг айбон бўлган таъбий газ етказиб беришга шартномада кўрсатилганидан ҳажмдан кам фойдаланилган тақдирда, аванс тарзида тўланган маблағлар қайтарилмайди, кўрсатиб утилган маблағлар эса келусида газдан фойдаланишда ҳисобга олинади.

4.7. Истеъмолчи томонидан таъбий газ етказиб бериш учун тузилган шартномада белгиланганидан кўп ҳажмда ва газ таъминоти ташкилоти билан олдидан келишимасдан газ олинган тақдирда, Истеъмолчидан шартномадаги

хажмлардан ортқича олинган табиий газ кийматига нисбатан 1,4 коэффициент билан оширилган тўлов ундирилади.

Бунда, белгиланган тартибда ҳисоблаш приборини алмаштириш, таъмирлаш, хизмат кўрсатиш, текшириш ва соҳанини мониторинг қилиш учун ечиб олини, шунингдек, Истеъмолчига алоқалар бўлмаган турли хил (электр таъминоти носозлиги, чакмек, қисқа тўташув ва х.к.)даги техник носозликлар аниқланганиги сабабли истеъмол қилинган табиий газ хажминини ўрнатилган газ асбоб ускуналарини тўлиқ қуввати бўйича ҳисоб-китоб қилиниши натижасида шартномадаги хажмлардан ортқича хажмларни ташкил қилган ҳолатлар бундан мустасно.

4.8. Табиий газ учун Истеъмолчининг қарзи мажбул бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблаглари Истеъмолчинини хабардор қилган ҳолда қарзни қоплашга йўнатилиши ва аванс тўлови сифатида ҳисобга олинмайди.

4.9. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ киймати ўз вақтида тўланмаганда, Истеъмолчи муддати ўтган ҳар бир кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорда, лекин муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

4.10. Ҳисоб-китоб ойда етказиб берилган табиий газ хажми Таъминотчи вақиллари томонидан табиий газ истеъмолчини ҳисобга олиш приборидан кўрсаткичларни ёзиб олиш (ТТХНАГа уланган, шунингдек, табиий газни истеъмол қилишни ҳисобга олиш приборларига эга бўлмаган ва белгиланган мезърлар бўйича ҳисоб-китоб қиладиган истеъмолчилар бундан мустасно) асосида, кейинчалик ёзиб олинган кўрсаткичлар Fossa тизимига киритиш, шунингдек, истеъмолчилар томонидан табиий газ истеъмолчини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини интерактив хитматлар воситаларидан фойдаланган ҳолда киритиш орқали аниқланади.

4.11. Шартноманинг 4.10-бандига асосан кўрсаткич олинганидан сўнг кейинги ойнинг 5 кунига қадар Таъминотчи томонидан ҳисоб-китоб ойна учун газ етказиб бериш-қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилади ва унга асосан истеъмолчига электрон ҳисоб варақ-фактура юборилади.

Модем ўрнатган Истеъмолчилар ой давомида истеъмол қилган газ хажминини Таъминотчига электрон тарзда юбориши мумкин, ушбу газ хажми ҳаққоний бўлган тақдирда, Таъминотчи уни ҳисобга киритади, шунда Тарафлар Таъминотчи Истеъмолчига ой давомида ҳисобга киритилган газ хажминини етказиб берганини тасдиқлайдилар, унга асосан Таъминотчи Истеъмолчига электрон ҳисоб варақ-фактура юборади.

4.12. Таъминотчи ва Истеъмолчи ўртасидаги ҳисоб-китобларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш учун ҳисобот даврида газни етказиб бериш-қабул қилиш далолатномаси Истеъмолчида қуйидаги техник ҳужжатлар мажбул бўлганда расмийлаштирилади:

а) газни ҳисоблаш прибори хотирадан ҳисобот даври учун олинган (кўчирма) архив маълумотлари;

б) Истеъмолчига тақдим этиладиган, Истеъмолчининг бўлиниш чегарасигача бўлган жойдаги газ тармоқлари ва ГТҚлардаги технологик

йўқотишларнинг ҳажми тўғрисидаги далолатноманинг мажбуллиги;

Бунда Истеъмолчи балансида бўлган газ тармоқлари ва ГТҚдаги технологик йўқотишлар Истеъмолчи ҳисобига олиб борилади.

4.13. Истеъмолчи ойнинг 7 кунидан кечиктирмадан Таъминотчидан ҳисоб-китоб ойна учун газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини қабул қилиб олади, имзолайди ва бир нусхасини Таъминотчига жўнатади. Расмийлаштирилган газ етказиб бериш-қабул қилиш далолатномасига асосан электрон ҳисобварақ-фактура ни қабул қилади.

Модем ўрнатган Истеъмолчилар ой давомида истеъмол қилган газ хажминини Таъминотчига электрон тарзда юбориши мумкин, ушбу газ хажми ҳаққоний бўлган тақдирда, Таъминотчи уни ҳисобга киритади, шунда Тарафлар Таъминотчи Истеъмолчига ой давомида ҳисобга киритилган газ хажминини етказиб берганини тасдиқлайдилар, унга асосан Таъминотчи Истеъмолчига электрон ҳисоб варақ-фактура ни юборади.

4.14. Табиий газни етказиб бериш-қабул қилиш далолатномасини имзоламаслик ёки уни эътирозлар билан имзолаш Истеъмолчинини кўрсатиб ўтилган табиий газ хажмлари учун тўловлардан озод қилмайди. Узатилган ёки қабул қилинган газ миқдорини аниқлашдан норози бўлган томон далолатномада норозилик сабабларини мажбурий акс эттириши йўли билан ҳисоб-китоб қилиш ойна тугатилган кейин 10-кунгача бошқа томонга бу тўғрида маълум қилиб, сўнг далолатноманинг бир нусхасини Таъминотчи вақилига тақдим қилади. Ушбу масалани ўзаро ҳал этиш имконияти бўлмаганда, келишмовчилик сабаблари белгиланган тартибда кўриб чиқилиши керак.

4.15. Истеъмолчидан дебитор қарзларни ундириш Таъминотчи томонидан қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

4.16. Газ учун амалдаги тарифлар (наҳслар) ўзгарган тақдирда, Таъминотчи бу ҳақдаги ахборотни ўн беш кун олдин оммавий ахборот воситалари орқали хабардор қилади. Газ учун тарифлар ўзгарганда, мазкур шартнома ўз кучида қолади, истеъмол қилинган газ учун тўлов эса янги тариф асосида, у қонунда белгиланган тартибда кучга кирганидан сўнг амалга оширилади. Бунда истеъмолчи табиий газнинг аванс тарикасида тўланган хажми учун тўлов қонундан бошлаб қўли билан кейинги 1 ой кўшимча тўлов тўлашдан озод қилинади.

V. ХУКУҚБУЗАРЛИКЛАР ВА ГАЗДАН НОҚОНУНИЙ Фойдаланиш учун Жавобгарлик

5.1. Газдан фойдаланишда Истеъмолчи томонидан мазкур шартноманинг 3.17-бандида кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилиши, Таъминотчи ва Истеъмолчи вақиллари томонидан имзоланмаган ва икки нусхада тузилмаган далолатномаси билан расмийлаштирилади.

5.2. Ушбу шартноманинг 5.1-бандига асосан расмийлаштирилган далолатномага мувофиқ Истеъмолчидан, фойдаланган газ хажми киймати (амалдаги тарифлар бўйича) ундириб олинади.

5.3. Бунда мазкур шартноманинг 5.2-бандида кўрсатилган ҳолатларда газ

ҳажми қийматининг ўндирилиши Истеъмолчинини қонунийликда белгиланган жавобгарликдан озод қилмайди.

VI. ТАРМОҚДАН ҲАЗИР КЎЙИШ ВА ҚАЙТА УЛАНИШ ТАРТИБИ

6.1. Истеъмолчида қуйидаги ҳолатларнинг мавжудлиги ҳамда ушбу ҳолатларнинг бартараф этилувигига қадар газ тармоқларидан ўзиб қўйилади:

- шартномавий мажбуриятлар ва ёки амалдаги қонунийлик ҳужжатлари билан Истеъмолчи учун мажбурий бўлган, бироқ мажбуриятномалардан назарда тутилмаган бошқа мажбуриятлар бажарилмаганида;

- Таъминотчи вакиллари билан фойдаланиш ускуналари ва ҳисобга олиш курселмаларини назоратдан ўтказишга йўл қўйилмаганда;

- фойдаланилган газ учун ҳисоб-китоб ўз вақтида амалга оширилмагалиги натижасида қарздорлик мавжуд бўлганда;

- шартномада белгиланган буюртмаларга етарли миқдорда олдиндан тўловлар амалга оширилмаганда, агар тарафларнинг келишувига мувофиқ шартномада олдиндан тўловлар назарда тутилган бўлса;

- Таъминотчининг ва "Ўзнефтигаинспекция"нинг кўрсатмалари бажарилмаганда; - ҳисоблаш приборларига қасдан зарар етказилганда, прибор кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига тўсқинлик қилувчи хатти-ҳаракатлар амалга оширилган ҳолатларда;

- газни ҳисобга олиш приборларига ташқи таъсир кўрсатишга ҳаракат қилиш;

- Газдан фойдаланиш қондаларига эид равишда газ тармоқларига ноқонуний улааниш ёки бошқа қондабузарликлар ёҳуд газни талон-тарож қилиш ҳолатлари аниқланганда;

Бунда Таъминотчи газ таъминотининг ўчирилиши натижасида етказилган моддий зарар ёки бой берилган фойда учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

6.2. Газ истеъмолчини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизим (ТТХНАТ) ларига уланган истеъмолчиларни масофадан қайта улаш учун ҳақ ўндирилмайди.

VII. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

7.1. Таъминотчи қуйидагиларга мажбур:

- мажбур шартнома билан зиммасига олган мажбуриятларини ўрнатилган тартибда ва муддатларда бажариш;

- ўзига қарашли бўлган газ тармоқларини соз ҳолатда сақлаш ва уларни ўз ҳисобдан таъмирлаш-тислаш;

- ўз газ тармоқларининг техник ҳолатини ва уларда руҳсатсиз улаанишларини аниқлаш учун лаврий кўдан кечирини;

- табиий газ етказиб бериш қисқарган ёки тўхтаган тақдирда бу тўғрида Истеъмолчиларни хабардор қилиш;

- газ ҳисоблаш ускуналаридан олинган архив маълумотларини, электрон маълумотларини барча параметрларини қамда уч йил мобайнида ўзида сақлашини таъминлаш;

- шартноманинг 3.17-бандига кўрсатилган ҳолатлар содир этилганлиги ва ушбу ҳолатларни бартараф этилувигига қадар табиий газ таъминотини қўшимча оғохлантиришларсиз тармоқдан ўчирини;

- табиий газнинг руҳсатсиз истеъмоли қилинганлиги, газ тармоқлари моддий бойликларининг талон-тарож қилинганлиги тўғрисида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини хабардор қилиш;

- Истеъмолчига газ етказиб бериш шартномасида келишилган шартлар асосида газни етказиб бериш;

- қонунда назарда тутилган тартибда монополияга қарши давлат органининг тақдирномасига асосан шартномага ўзгартиришлар киритиш;

- Таъминотчи ва ваколатли давлат органларининг мажбурий кўрсатмаларини бажариш;

- техник хизмат кўрсатиш шартномаларига мувофиқ истеъмолчиларнинг ички газ тармоқлари, газдан фойдаланувчи ускуналарини техник тафтишдан ўтказиш ва уларга профилактика хизмат кўрсатиш;

- табиий газ снзиб чиқишида — дарҳол;

- овқат тайёрлаш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигида — бир кун давомида;

- иситиш мавсумида иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигида — бир кун давомида;

- иссик сув ва иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигида (иситиш мавсумидан ташқари вақтда) — икки кун давомида;

- Газдан фойдаланиш ускуналарини 5 сутка муддат ичида алмаштириш; Таъминотчи қонунийликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7.2. Таъминотчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- техник заруратга қўра, Истеъмолчинини белгиланган тартибда хабардор қилган ҳолда, табиий газни етказиб беришни қисқартириш ёки тўхтатиш;

- газ таъминоти тармоқларига руҳсатсиз улааниш ҳолатлари аниқланганда уларни белгиланган тартибда газ тармоқидан ўзиб қўйиш;

- Истеъмолчилардан табиий газдан фойдаланиш қондалари ва газни етказиб бериш шартномаси талабларига риоя этишни талаб қилиш;

- газ тармоқларида авариянинг олдини олиш ёки бартараф этиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чораларни қўриш зарурати юзасига қелганда, Истеъмолчи билан келишмасдан ва уни оғохлантирмастан ҳамда зудлик билан хабардор қилган ҳолда, табиий газни етказиб беришни тўхтатиш ёки қеслаш;

- ушбу шартномада назарда тутилган ҳолатларда, аниқланган қондабузарликлар бартараф этилувигига қадар аввалдан оғохлантирмаган ҳолда газ етказиб беришни тўхтатиш.

- табиий газ етказиб бериш шартномасини бир томонлама бекор қилиш;
- Истеъмолчи мажур шартнома билан зиммасига олган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, унга табиий газ етказиб беришни тўхтатиши.

7.3. Истеъмолчи қуйдагиларга мажбур:

- мажур шартнома билан зиммасига олган мажбуриятларни ўрнатилган гартнбда ва муддатларда бажариш;

- ҳисобот ойда табиий газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини ва ҳисоб-варақасини расмийлаштириш учун ҳар ойнинг 5-санасигача Таъминотчига электрон газ ҳисобдонини архив маълумотлари (распечатка) ёки газни ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини тақдим этиш, ушбу маълумотларни тақдим қилмаслик етказиб берилган табиий газ ҳақини тўлашдан бош тортиш деб баҳоланади;

- ойлик истеъмол қилинган газ ҳажми ҳақидаги ҳужжатлар(табиий газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномаси, ҳисоб-варақ фактура, солиштирма далолатномаси ва х.к.э)ни ўз вақтида имзо(муҳр) билан тасдиқлаб бориш, Истеъмолчи тақдим қилинган ҳужжатларни имзо(муҳр) билан тасдиқлашдан бош тортган тақдирда, ушбу ҳолат етказиб берилган табиий газ ҳақини тўлашдан бош тортиш деб баҳоланади;

- ташкилий ҳуқуқий шакли ўларган тақдирда ёки ЯТТга берилган гувоҳнома муддати туяган тақдирда, бу ҳақда дарҳол Таъминотчига ёзма равишда хабар бериш;

- шартномани гэнэччилик бўлимидан рўйхатдан ўтказганидан кейин уч кунлик муддат ичида асослангувчи ҳужжати Таъминотчига тақдим этиш;

- газдан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш;

- газ ҳўжалиги газ қувурлари ва усқуналарини техникжиҳатдан соз ҳолатда сақлаш;

- газ тармоқларида ёки газдан фойдаланиш усқунасида вужудга келган табиий газ сизиб чиқши ҳолати ҳақида газ таъминоти ташкилоти диспетчерлик хизматларини зудлик билан хабардор қилиш;

- ўзининг газ тармоқлари даҳлсизлигини таъминлаш ва эҳтимоли бўлган руҳсатсиз уланишларни аниқлаш мақсадида уларни ва улардаги усқуналарни мунтазам равишда кўздан кечириб чиқши;

- газ таъминоти ташкилотлари газ тармоқларига сертификатланмаган, газлаштириш лойиҳасига (ЛТХ) мувофиқ бўлмаган газдан фойдаланиш усқунасининг уланишига йўл қўймастик;

- газ Таъминотчи вакиллари ва "Ўзнефтгазспекция" ҳодимларининг (тегишли гувоҳнома кўрсатилган тақдирда) табиий газни истеъмол қилишни ҳисобга олиш приборларини ва ёки газдан фойдаланиш усқунасини қуниинг истанан вақтида эркин кўздан кечиришини таъминлаш;

- газдан фойдаланиш усқунасидаги носозликларни (бундай турдаги ишларни бажариш ҳуқуқига эга бўлган ихтисослаштирилган бригадалар ёки ҳодим ёрдамида) бартараф этиш;

- табиий газ истеъмолчини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ўнгартириш мақсадида уларнинг ишлашига тўсқинлик қилувчи ҳаракатларни

амалга оширмастик, уларнинг касдан бузилшига йўл қўймастик ва ўрнатилган таъминотнинг бутунлигини таъминлаш;

- табиий газ истеъмолчини ҳисобга олиш приборлари ишидаги носозлик аниқланган тақдирда, газ таъминоти ташкилотини ўзи учун қулай шаклда дарҳол хабардор қилиш.

- Газ тармоғи бўлинини чегарасида табиий газ сарфи бўйича маълумотларни масофадан олиш имкониятини берувчи газ истеъмолчини ҳисобга олиш ва назорат қилишининг автоматлаштирилган (ПТХНАТ-АСКУГ) титимига уланган ҳисоблаш приборлари Истеъмолчи томонидан ўриатиш;

- Таъминотчи томонидан юборилган талабномаларга қонуида назарда тутилган 15 кунлик муддат ичида жавоб кайтариш(белгиланган муддат ичида талабномага жавоб кайтармаслик табиий газ ҳақини тўлашдан бош тортиш деб баҳоланиши мумкин);

- Таъминотчи томонидан тақдим қилинган муросжатларни қабул қилиб олиб, қонуичилиқда назарда тутилган ҳолларда уларни имзо ва муҳр билан тасдиқлаб бериш;

7.4. Истеъмолчи Таъминотчидан қуйдагиларни талаб қилиши ҳуқуқига эга:

- етказиб берилган табиий газнинг аниқланган ҳажмига ва бошка параметрларга норози бўлган тақдирда, Таъминотчининг табиий газни истеъмолчини ҳисобга олиш приборлари ишлашининг ишончлигини текшириш учун комиссия ташкил этиш;

- табиий газнинг стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларда кўзда тутилган сифатда ва етказиб бериш режимида риоя қилган ҳолда улатилиши;

- табиий газни етказиб бериш шартномаси бекор қилинганда, фойдаланилмаган газ ҳажми учун тўланган сўмmani кайтариш;

- табиий газни етказиб бериш шартномасини қонуи ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама бекор қилиш;

- табиий газни етказиб бериш тўхтатилганда, зарарини қоплашни талаб қилиш (шартноманиннг 2.5, ва 6.1. бандлари бундан мустасно);

- газ етказиб беришни вақтинча тўхтатишни.

Истеъмолчи қонуилик ҳужжатларида белгиланган бошка ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин.

УШ. ТАРАФЛАРНИНГ МОДЛИЙ ЖАВОБЛАРИНИ

8.1. Тарафлар мажур шартнома билан зиммасига олган мажбуриятларни ўрнатилган гартнбда ва муддатларда бажаришлари шарт.

8.2. Тарафлар, зиммасига олган мажбуриятларни бажармаганликлари ёки дозим даражада бажармаганликлари бўйича амалдаги қонуилик ҳужжатлари билан жавобгарлиқни ўтайдилар.

8.3. Таъминотчи газни етказиб бермаганлик ёки тўлик етказиб бермаганлик учун қуйдаги ҳолларда жавобгар ҳисобланмайди:

IX. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

9.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги қонуни ва қондаларга оид шартларини ва талабларини талбиқ этилишини ифодалайди ва қафолатлайди.

9.2. "Истеъмолич" "Таъминотчи"га мажбур шартнома доирасида қуйидагиларни қафолатлайди ва қуйидаги мажбуриятларини ҳам ўз зиммасига олади:

Шартноманинг амал қилиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошқа вакиллари), истеъмолич манфаатлари учун агент ёки вакил сифатида ҳаракат қилиб, "Таъминотчи"нинг коррупцияга қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча қонуни ва қондаларига қатъий риоя қилади.

X. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

10.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар юзага келган тақдирда, Тарафлар қондаги қўра, уларни талабнома жўнатилиш орқали судгача хал этиш чораларини кўрадилар, Тарафлар талабномани олган кундан бошлаб ўн беш кунлик муддат ичида унга жавоб қайтаришлари шарт, ақс холда ушбу ҳолат қонунибузилиш ҳолати сифатида баҳоланиди. Талабнома буюртма ёки қимматли хат тарзида, телеграф, телетайп орқали, шунингдек, тарафларнинг расмий веб сайтидаги, Давлат статистика кўмитасининг интернетдаги электрон почта ташкилотлар ҳақидаги жойлаштирилган маълумотларидаги электрон почта манзиллари ва телефон рақамларига ёки шартномадаги электрон почта манзиллари ёки телеграмм рақамларига жўнатилиши мумкин.

10.2. Келишмовчиликлар ва низоли масалаларни хал этиш учун тарафлар белгиланган тартибда жавобгар жойлашган жойдаги тегишли иктисодий судга ёки Савдо-саноат палатаси Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармаси ҳузуридаги доимий фаолият кўрсатувчи Ҳакамлик судимурожаат қилишга ҳасилдир, таълаш ҳуқуқи даъвогарда қолади.

10.3. Шартнома шартларини бир томонлама рад этиш ва бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонунда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

XI. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

11.1. Томонлар:

а) табиий офатлар:

б) магистрал газ қувурларида ва газ тармоқларида, газни қайта ишлаш қорхоналари ва газ казиноқарши жойларида қўтилмаган авария вазиятлари юзага келганда, шунингдек енгиб бўлмағ кучлар туфайли содир бўлган табиий офатлар, ҳуусан, сел, ёмғир, сув тошқини, ёнғин чиқили, ер қимирлаши, вирус тарқалиши ва пандемия даврида ҳамда Ҳукумат қарорига асосан тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятлари бажариш имкони бўлмағ қолганда жавобгарликка жалб этилмағлан, газ етказиб беришни тўхтатиш, қўскартириш

в) Истеъмолич томонидан газ таъминоти тармоқларига қўшимча газдан фойдаланиш ҳуқуқини руҳсатсиз улаш ҳолати аниқланганда;

б) фойдаланилган газ учун тўлов амали оширилмағанда;

в) қонуни ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда;

г) истеъмолич мажбур шартнома ва ёки унинг асосида берилган қафолат хатлари бўйича зиммасига олган мажбуриятларини бажармағанда;

д) мажбур шартноманинг 2.5. ва 6.1. бандларида кўрсатилган ҳолатларда.

8.4. Шартномада кўрсатилган ҳажмдан кам ҳажмда газ етказиб берилган тақдирда, Таъминотчиға нисбатан Ўзбекистон Республикасининг "Ҳужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонуни асосида жарима санкциялари қўлланилади, қуйидаги ҳолатлар бундан мустасно:

а) форс-мажор ҳолатлар;

б) магистрал газ қувурларида ва газ тармоқларида авария ҳолатлари юз берганда; в) киш даврида вақтинча газ етказиб бериш чекланганда (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарорлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари қарорлари билан тасдиқланган газ етказиб бериш тармоғидан узиб қўйилмағдан объектлар рўйхатиға киритилган қорхоналардан ташқари); г) шартнома асосида Истеъмолич томонидан ўз зиммасига олинган мажбуриятлар бажарилмағанда.

8.5. Етказиб берилган табиий газнинг сифати шартнома ёки норматив ҳужжатлар талабларига мос келмаганда, Истеъмолич газ қабул қилиш ёки унинг учун ҳақ тўлашни рад этганда Таъминотчидан етказиб берилган сифати зарур даражада бўлмаган газ ҳажми қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима тўлашни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Агар, газ қиймати тўланган бўлса, Истеъмолич Таъминотчидан белгиланган тартибда тўланган суммани қайтаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

8.6. Таъминотчи томонидан шартномада кўрсатилган ҳажмлардан кам газ етказиб берилганда, Таъминотчи Истеъмоличға муддати ўтган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган суммасининг 0.5 фоизи миқдорида, бироқ етказиб берилмаган газ қийматининг 50 фоизидан ошмағдан миқдорда пеня тўлайди.

8.7. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ ҳақи ўз вақтида тўламаган тақдирда, Истеъмолич муддати ўтган ҳар бир кун учун муддати ўтгантўлов суммасининг 0.4 фоизи миқдорида, бироқ муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмағдан миқдорда пеня тўлайди.

8.8. Мажбур шартнома билан назар тутилмаган шартлар Ўзбекистон Республикасининг "Ҳужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекки, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сон қарорига илова(2) қилинган "Табиий газдан фойдаланиш Қондалари" ҳамда бошқа қонуничилик нормалари билан тартибга солинади.

Бир муносабатларини тўхитиши ҳужумига эга бўладилар.

11.2. Форс-мажор ҳолатлар юзига келган тақдирда, тарафлар ҳар қандай яқола юзатган ёрдамда бир-бирини хаордор қилиши керак.

11.3. Агар, кўрсатилган ҳолатлар 90 кундан ортиқ кун мобайнида сакланиб турса, томонлар мулокараган йўли билан шартномани келгусида бажариш тўғрисидаги қарор қабул қилдилар.

XII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

12.1. Ушбу шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилиши ҳамда тарафлар томонидан имзоланиши керак.

12.2. Бюджет ташкилотлари учун шартнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги ПҚ-594-сон қарорига асосан Ҳазратилик бўлими томонидан мажбурий тартибда рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб қўчга қиради.

12.3. Шартнома 2022 йил 31 мартгача бўлган муддатга тузилган. Шартноманинг муддати тугаганидан кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор қилиши тўғрисида талаб билан мурожаат қилмаган бўлса, шартнома кейинги йилга уайтирилган ҳисобланади.

Бюджет ташкилотлари учун шартнома бир йилга тузилади, шартноманинг муддати тугаганидан кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор қилиш тўғрисида талаб билан мурожаат қилмаган бўлса, шартнома кейинги йилга уайтирилган ҳисобланади. Бюджетдан маблағ олувчилар ҳар йили "2022" йил 31 март санасига амал қилишлари лозим.

XIII. ЯҚУНЛОВЧИ ҚОНДАЛАР

13.1. Ушбу шартнома томонларнинг ҳар бири учун икки нусхала тузилган, иккала нусхаси ҳам бир хил юридик қўчга эга.

XIV. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА МАНЗИЛИ:

«ТАЪМИНОТЧИ» «Худудат Сирлар» газ таъминот филиали Ўзбекистон шаҳар, А. Тасмур кўч, 65-уй № 120-040098-013960416 Қўч: Хатловчи тўртинчи банк Сўрада, Мингмуҳаммад йўлидаги № 44-040098-013960416 ТЕЛ: 33420000-089 2 21 74-71 Раҳбар: Ж. Хайитов	«ИСТЕЪМОЛЧИ» <i>Шўнаш Дўқонқовил Қолимо</i> <i>Иш: ИК- Ёшиқ қўраси 1207</i> № 100098040098-013960416 Банк: <i>Алиев ул 50 МК</i> <i>Шўнаш Дўқонқовил Қолимо</i> МФО: 000000000000000000000000 Тел: <i>33420000-089 2 21 74-71</i> Раҳбар: <i>Шўнаш Дўқонқовил</i>
---	---

Иш: *Шўнаш Дўқонқовил Қолимо*

Юрист ҳужумати:

Мен, ушбу шартномани амалдаги Ўзбекистон Республикаси Федератив Қолимо.
«Хўжалик юридуци субъектларини шартномавий ҳуқуқий болиш тўғрисида» ги Қонунга ва бошқа қонуи ҳужуматларни асосдан ҳуқуқий жакротида қилиб, ушбу шартномада кўрсатилган муносабатлар жакротидаги қонуи ҳужуматлари билан тартибга солиниши, тарафларини ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ҳисоб-китоб тартиби, талии етказиб берини ва ушбу қўйиш тартиби, тарафларнинг мулксий жавобдарлиги, интиларини хал этиш тартиби талаблари мувофиқлигини билдираман. Шу сабабдан ушбу шартномани имтоласса бўлади деб ҳисоблайман.

(Ф.И.Ш.) _____ (исми, муҳр) _____ (Сана)

2022 йил 5-юни қарорига *02/03-0103*-сон шартномага ИЮБА

Фойдаланишга қабул қилинган газдан фойдаланиш ускуналари РҲЙХАТИ
Фойдалят тури: *Тавмич ҳисоб-китоб*

Қадастр	<i>12 02 02 01 03 00 01 00 02</i>	сўм	<i>00</i>	тийин	
Табиий газ тарифи			<i>660</i>	сўм	<i>00</i>

№	Корхона, участка, нех номи	Агрегатлар		Лойхалани газ сарфи, № кубметр	Ҳалии ҳисобга олиш приборларининг турлари
		номи	сони		
		<i>MMV-100</i>	<i>2</i>		<i>УЧТАМАБ</i>
		<i>MRV-10</i>	<i>2</i>		<i>С-65</i>
					<i>06.11.215</i>

ТАЪМИНОТЧИНИ ТАЪМИНЛАШ
РАҲБАРИ: *Ж. Хайитов*
РАҲБАРИ: *Шўнаш Дўқонқовил*